


01-07/1-2963
16.01.2018й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги Давлат
мукофотлари ва геральдика
бўйича Комиссия раиси


А.Арипов
2018 й. «15» январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича
Комиссиянинг йиғилиш
БАЁННОМАСИ

2018 йил «15» январь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: - А.Арипов – Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги Давлат мукофотлари
ва геральдика бўйича Комиссия раиси

Иштирок этганлар: - Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат мукофотлари ва
геральдика бўйича Комиссия аъзолари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

«Мард ўғлон» давлат мукофотига талабгорларни танлаш ва уларнинг
ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани
тасдиқлаш бўйича

(А.Арипов, Қ.Куранбаев, Х.Султонов, У.Исмаилов ва бошқалар)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги
«Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ-3402-сонли қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда
мамлакатимизда буюк аждодларимизга муносиб, мардлик ва жасорат,
қатъиятлилик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатларга эга мард
ўғлонларимизни тарбиялаш, шунингдек жамиятимиз ҳаётининг турли
соҳаларида юқори натижаларга эришиб келаётган билимли, ташаббускор,
ишбилармон, шижоатли ва фидойи йиғитларни рағбатлантириш мақсадида
«Мард ўғлон» давлат мукофотига талабгорларни танлаш ва уларнинг
ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисида Йўриқнома чиқара
чиқрилганлиги маълум қилинди.

Йиғилишда мазкур Йўриқнома «Мард ўғлон» давлат мукофотиغا талабгорларни танлашда ҳар томонлама холислик ва адолатни таъминлашга хизмат қилиши ҳамда танлов босқичлари ва ўтказиш тартибини, йўналишларни аниқ белгилаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Мард ўғлон» давлат мукофотиغا талабгорларни жалб этишда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида, чекка қишлоқларда истикомат қилаётган, ўқишда ва меҳнат фаолиятида юксак натижаларга эришаётган иқтидорли ёшларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратиш, бу борада ҳудудларда ҳамда тегишли вазирлик ва идораларда ташкил этиладиган Комиссиялар аъзоларининг масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб,

Йиғилиш қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3402-сонли Қарорининг 6-бандига асосан «Мард ўғлон» давлат мукофотиغا талабгорларни танлаш ва уларнинг ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома иловага асосан тасдиқлансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофотиغا фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида юқори натижаларга эришган талабгорларни танлаб олиш бўйича ҳудудларда ҳамда тегишли вазирлик ва идораларда ташкил этиладиган Комиссиялар ўз иш фаолиятини мазкур Йўриқнома асосида олиб бориши қатъий назоратга олинсин.

**“Мард ўғлон” давлат мукофотиغا талабгорларни танлаш ва уларнинг
ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3402-сонли қарорига мувофиқ “Мард ўғлон” давлат мукофотиغا талабгорларни (кейинги ўринларда – талабгорлар) танлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қондалар

1.1. Талабгорлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда фаоллик кўрсатиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар этадиган, юрт истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир йигитлар орасидан танлаб олинади.

1.2. Талабгорлар ўқишда ёки жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришган бўлиши ҳамда мардлик ва жасорат, қатъиятлик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатлари, шунингдек, ўзининг чуқур билими, ташаббускорлиги, ипбилармонлиги, шижоати ва фидойилиги билан ёшлар орасида ажралиб туриши лозим.

1.3. “Мард ўғлон” давлат мукофоти ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрناк бўлиб келаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун берилади.

1.4. Талабгорлар:

- танлаган соҳа ёки йўналишлари бўйича республика ва халқаро миқёсдаги танлов, мусобақа ва бошқа лойиҳаларда юқори натижаларни қўлга киритган бўлиши;

- фаолият кўрсатаётган соҳада янгилик яратган, инновацион ғояларни ва янги технологияларни ишлаб чиққан ва амалиётга жорий этган, ўқишда ва хизмат фаолиятида улкан муваффақиятларга эришган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва чет тилларни пухта ўзлаштирган, билими, истеъдоди, етакчилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан ёшларга ҳар томонлама ўрناк бўлаётган, шунингдек, мамлакатимиз муҳофаа кудратини

юксалтириш, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида алоҳида ютуқларга эришган бўлиши лозим.

II. Талабгорларнинг ютуқлари, илмий-ижодий ва амалий ишларига қўйиладиган талаблар

2.1. Соҳалар бўйича талабгорларни тавлашда инobatга олинаши лозим бўлган жиҳатлар.

Фан соҳаси бўйича:

- инновацион ғоялар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этганлиги;

- илмий ишлари замонавий, илмий муаммоларни ҳал этишга бағишланганлиги, халқимизнинг маънавий, маданий ва тарихий меъросини ўрганишга қаратилган илмий ишланма ёки илмий асар яратган бўлиши;

- яратган ихтиро, янгилик, илмий кашфиёт, ишланма ёки мақоланинг назарий қиммати етакчи мутахассислар томонидан эътироф этилиши ҳамда илмий асосланган бўлиши;

- ихтиро, янгилик, илмий кашфиёт ва ишланмага патент олинганлиги;

- республика ёки халқаро миқёсдаги конференция, симпозиум ва семинарларда иштирок этганлиги тўғрисида диплом ёки сертификатларнинг мавжудлиги;

- республика ёки халқаро лойиҳалар, илмий ишланмаларда иштирок этганлиги инobatга олинади.

Таълим соҳаси бўйича:

- ўқувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилган республика ва халқаро фан олимпиадалари, “Билимлар беллашуви” ва кўрик-танловлар ҳамда мусобақаларда ютуқларни қўлга киритганлиги;

- намунали хулқ-атвори, аъло ўқиши билан ёшларга ўрнак бўлиши ҳамда маданий тadbирларда ва жамоат ишларида фаоллиги;

- таълим бериш жараёнида яратилган замонавий инновацион педагогик ишланмалар, ўқув муассасалари қошидаги тўғарақларда машгулотлар ўтказишнинг турли усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиққанлиги;

- республика ёки халқаро миқёсдаги конференция ва семинарларда фаол иштирок этганлиги;

- янги дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, электрон дарс ишланмаларни яратганлиги;

- янги авлод дарсликларини тажриба-синовдан ўтказганлиги ҳамда янги педагогик технологияларни амалиётга жорий этганлиги;

- таълим ва педагогика йўналишлари бўйича ўтказилган кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритганлиги инobatга олинади.

Тиббиёт соҳаси бўйича:

- янги диагностика ва даволаш усуллари жорий этиш юзасидан илмий лойиҳалар, рационализаторлик таклифларга эга эканлиги;
- соҳага оид республика ёки халқаро миқёсдаги конференция ва семинарларда фаол иштирок этганлиги;
- соҳага оид турли кўрик-танловларда ғолиб бўлганлиги;
- соҳада юқори малака ва кўникмаларга эга эканлиги, аҳолига кўрсатилган малакали тиббий хизматлари;
- аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қўшган ҳиссаси;
- замонавий тиббий техника ва технологияларни ўзлаштирганлиги инobatга олинади.

Маданият соҳаси бўйича:

- оммавий сайл, фестивалъ ва бошқа тадбирлар сценарийларини ишлаб чиққанлиги, маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этганлиги;
- публицистик мақолалари, хабар ва лавҳалари, шеър ёки хикоялари вилоят, республика матбуотида ёритилгани, журналистик маҳорати, воқеа ва ҳодисаларни ёритишда шаффофлик ва ўз фикридаги қатъияти;
- ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш бўйича олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари;
- маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва сақлаш ишлари ҳамда туризмни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси (аниқ лойиҳалар, илмий ишлар, медиа ишланмалари) инobatга олинади.

Адабиёт соҳаси бўйича:

- асарлар ғоявий-бадий жиҳатдан юксак бўлиши, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослиги, бугунги воқеликда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни ёритишга қаратилганлиги, шунингдек, оригинал бадий-эстетик изланишлари билан ажралиб туриши;
- ижод намуналари соҳанинг етакчи мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги, китоблари нашр қилинган ва ижодий ютуқлари юқори даражада бўлиши;
- миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда адабий таржимашуносликни ривожлантириш борасида салмоқли ишларни амалга оширганлиги;
- Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган танловлар ва семинарлардаги ютуқлари ҳамда фаол иштироки инobatга олинади.

Саънат соҳаси бўйича:

- барча жанрларда театр, кино ва телевидение йўналишларида яратилган асарлар, ижро этилган роллар юксак бадиий даражада, мустақиллик ҳолатини акс эттириши, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, долзарб муаммога бағишланган ҳамда жамоатчилик эътирофига сазовор бўлиши;

- тасвирий ва амалий саънат, ҳунармандчилик, дизайн ва меъморчилик йўналиши бўйича республика ва халқаро миқёсда ўтказилган кўргазмаларда ўз ижод намуналари билан иштирок этганлиги;

- дизайн ва меъморчилик йўналишидаги ижод намунасининг амалиётда фойдаланилганлиги;

- миллий-анъанавий, академик ва замонавий эстрада қўшиқчилик маҳоратлари;

- миллий чолғуларда (*най, дутор, рубоб, доира, чанг ва ҳ.к.*), ғарб чолғуларида (*пианино, скрипка, альт, виолончель, флейта ва ҳ.к.*) классик ва замонавий ўзбек композиторларининг асарларини ижро этиш маҳорати инobatга олинади.

Спорт соҳаси бўйича:

- jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirishga qo'shgan hissasi, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиши;

- Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда Осиё ва жаҳон чемпионатларида, шунингдек бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларида эришган ютуқлари;

- Ўзбекистон чемпионати ва кубогида фахрли ўринларни эгаллаганлиги;

- “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларида эришган ютуқлари;

- спорт мураббийи сифатида Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда Осиё ва жаҳон чемпионатларида, шунингдек бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчиларни тайёрлаганлиги инobatга олинади.

Ишлаб чиқариш соҳаси бўйича:

- йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик соҳаларидаги самарали меҳнати, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссаси, янги замонавий технологияларини ўзлаштирганлиги, тармоқ танловларидаги эришган ютуқлари;

- амалиётга татбиқ этилган рационализаторлик таклифлари моҳияти, аҳамияти ва иқтисодий-ижтимоий самаралари;

- ишлаб чиқариш корхонасини модернизация қилиш, ускуналарни янгилаш, инновацион технология ва усулларнинг амалиётга татбиқ этиш ишларидаги бевосита иштироки;

- тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ишларига қўшган ҳиссаси;

- кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш ҳамда томорқалардан унумли фойдаланиш борасида амалга оширган ибратли ишлари;

- инновацион ғоялар ва илғор илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланганлиги;

- мамлакатимиз ва чет эл кўргазмаларида, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш йўналишларида ўтказилган маҳаллий ва халқаро ярмаркалардаги иштироки инobatга олинади.

Ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳаси бўйича:

- ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбийлаштирилган ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли йигитларнинг фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, спорт соҳаларидаги эришган алоҳида ютуқлари;

- мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги алоҳида хизматлари, кўрсатган мардлиги ва жасорати;

- жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги, юксак ҳарбий интизоми;

- республика ва халқаро миқёсдаги кўрик танловларда қўлга киритган ютуқлари;

- замонавий ҳарбий техника ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирганлиги инobatга олинади.

2.2. Талабгорнинг илмий-ижодий ишларига баҳо беришда унинг креативлиги, илмий-амалий ва бадий аҳамиятига, шунингдек, халқимиз маънавиятини юксалтириш, истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ижросини таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётганлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2.3. Талабгорларнинг илмий-ижодий ва амалий ишлари нуфузли журналларда, республика ва чет-эл нашрларида, интернет саҳифаларида chop этилганлиги, соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан юқори баҳоланганлиги, кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлганлиги инobatга олинади.

III. Талабгорларни танлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш

3.1. Талабгорларни адолатли ва ҳолисона танлаш учун жойларда комиссиялар ташкил этилади.

3.2. Туман (шаҳар), вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар комиссиялари тегишли маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарлари раислигида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг жойлардаги Кенгашлари раҳбарлари, фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш йўналишларининг тегишли масъуллари ва етакчи мутахассислари ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг обрўли вакилларидан иборат таркибда ташкил топади.

3.3. Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ҳамда ҳарбийлаштирилган ўқув юртларида таҳсил олаётган йигитлар орасидан талабгорларни танлаш бўйича комиссия тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари раислигида соҳанинг етакчи мутахассислари ва масъул ходимларидан иборат таркибда ташкил топади.

3.4. Комиссия аъзоларининг таркиби тегишли маҳаллий ҳокимликлар ҳамда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари қарори билан тасдиқланади.

IV. Талабгорларни танлаш босқичлари

4.1. Соҳалар бўйича ҳар бир ўринга муносиб талабгорларни танлаш учун қуйидаги тартибда танлов босқичлари ташкил этилади:

1-босқич (январь-февраль)

Талабгорлар бўйича дастлабки таклифлар жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман (шаҳар) комиссияларига тақдим этилади.

Туман (шаҳар) комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқади ва барча йўналишларни қамраб олган ҳолда юқори натижаларга эришган талабгорларни иккинчи босқичга тавсия этади.

2-босқич (март-апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар комиссиялари туман (шаҳар) комиссиялари томонидан тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатларини батафсил ўрганиб чиқади ҳамда барча йўналишларни қамраб олган ҳолда саралаб олинган талабгорларнинг ҳужжатларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари раислари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияга тавсия этади.

4.2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши давлат мукофотига талабгорларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияга тўғридан-тўғри тавсия этади.

4.3. Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ҳамда ҳарбийлаштирилган ўқув юртлирида таҳсил олаётган йигитлар орасидан талабгорларни танлаш босқичларини белгилаш мазкур вазирлик ва идораларнинг ички идоравий ҳужжатлари асосида тартибга солинади ҳамда талабгорлар тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тақдимномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияга тўғридан-тўғри тавсия этилади.

4.4. Талабгорларни танлаш бўйича амалга ошираладиган танлов босқичлари шаффоф ва ошкора равишда ўтказилади. Уларнинг эришган ютуқлари оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

4.5. Талабгорлар бўйича тақдимномалар ва уларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияга ҳар йили 1 майга қадар тақдим этилиши лозим.

V. Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби

5.1. Талабгорларнинг дастлабки ҳужжатлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари томонидан, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ҳамда ҳарбийлаштирилган ўқув юртлирида таҳсил олаётган йигитлар орасидан тавсия этилаётган талабгорларнинг ҳужжатлари эса мазкур тузилмаларнинг қуйи бўғинлари томонидан шакллантирилади.

5.2. Ҳужжатлар мазкур Йўриқноманинг 4.1 ва 4.5-бандларида белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5.3. Талабгорларнинг ҳужжатларини тайёрлашда, аввало, уларнинг энг асосий ютуқлари бўйича йўналиши тўғри танлаб олиниши ва ушбу йўналиш бўйича эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар, сўнгра қўшимча қирраларини ва ибратли жамоатчилик ишларини ёритувчи маълумотлар жамланиб, тақдим этилиши лозим.

5.4. Ҳужжатлар файл папкада тартиб билан шакллантирилиб, аввал асосий ютуқлари, сўнг бошқа қўшимча ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар йиллар кетма-кетлигида жамланади.

5.5. Талабгорларнинг ҳужжатлари кейинги босқичга юборилганидан сўнг улар томонидан бирор ютуқ қўлга киритилса ёки бевосита уларга тааллуқли бирор-бир ўзгариш содир бўлса, тегишли маҳаллий ҳокимликлар ҳамда вазирлик ва идораларнинг комиссиялари бу ҳақда юқори турувчи комиссияни хабардор қилиши ҳамда уни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

5.6. Талабгорлар учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссия томонидан белгиланади.

VI. Яқуний қондалар

6.1. “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига – жами 28 та берилади.

6.2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорлари рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Уларга мукофотланганлик ҳақидаги диплом, кўкрак нишони ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти ҳар йили “Ёшлар куни” арафасида тантанали вазиятда топширилади.

6.3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши мунтазам тарзда республика бўйича совриндорларнинг мониторингини олиб боради. Мониторингда совриндорларнинг иш фаолияти, ўқиш жойи ва бошқа маълумотлар акс этиши лозим.

6.4. Совриндорларнинг ибратли фаолиятини кенг тарғиб этиш, келгусидаги ижтимоий фаоллигига кўмаклашиш, уларнинг илмий-ижодий асарларининг чоп этилишига ёрдам бериш, рағбатлантириб бориш, қўлга киритган янги ютуқларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш ишлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилади.

6.5. Олий ўқув юртларига қабул қилинадиган “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг рўйхати ҳар йили Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борилади.

**«Мард ўғлон» давлат мукофотига тавсия этилаётган талабгорлар учун
тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

№	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжатга қўйилган талаблар
1.	Талабгорнинг тавсифномаси	<p>Тавсифномада ёритилиши лозим бўлган жиҳатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, санаси, миллати (фуқаролик паспорти ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича ёзиш); - ўқиш жойи ёки фаолият кўрсатаётган муассасанинг расмий номи (агар талабгор таълим муассасаси ўқувчиси ёки талабаси бўлса, унинг қайси синф ёки босқичда ўқиши)ни кўрсатиш; - талабгорнинг қайси йўналиш бўйича тавсия этилаётганлиги; - талабгор тавсия этилаётган йўналишнинг айнан қайси соҳаси ёки тури билан шуғулланиши кўрсатилиши лозим (Масалан: <u>фан йўналиши</u> – илмий ишлар, инновацион ғоялар, ихтиро ва кашфиётлар; <u>таълим йўналиши</u> – кимё, математика, физика; <u>тиббиёт йўналиши</u> – хирургия, кардиология, офтальмология; <u>маланият йўналиши</u> – журналистика, суҳандонлик; <u>адабиёт йўналиши</u> – шеърнама, публицистика; <u>санъат йўналиши</u> – рассомлик, ҳунармандчилик, дизайн, кўшиқчилик, фортепиано; <u>спорт йўналиши</u> – бокс, теннис, шахмат; <u>ишлаб чиқариш йўналиши</u> – фермерлик, тадбиркорлик, саноат ва бошқа соҳалар; <u>ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари</u> – Мудофаа вазирлиги, ФВВ, ИИВ, МХХ, Миллий гвардия, Прокуратура, божхона, солиқ идоралари); - асосий йўналиши бўйича эришган ютуқлари, тармоқ мукофотларини қўлга киритганлиги ва бошқа эътирофли жиҳатлари йиллар кетма-кетлигида берилиши (танловларнинг қаерда, қайси ташкилот томонидан, қимлар ўртасида, қандай ном билан ўтказилганлиги, нечанчи ўринни эгаллаганлиги ҳамда нима билан тақдирланганлиги); - асосий йўналишидан ташқари бошқа йўналишлар бўйича эришган ютуқлари; - етакчилик қобилияти, ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлигини очиб берадиган жиҳатлари ва ютуқлари; - ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланиши (Масалан: «Ziynet» таълим тармоғи, веб-саҳифалар ва ҳ.к.); - спортнинг қайси тури билан шуғулланиши ва эришган ютуқлари; - тавсифномада эришган ютуқлари билан бирга талабгор Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси ҳамда спорт унвонига (спорт усталигига номзод, спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси) эга бўлса, бунни қайд этиш зарур.
2.	Талабгорнинг объективкаси	<p>Объективка намунада кўрсатилган талаблар бўйича ёзилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари томонидан имзоланиши, вазирлик ва идоралардан тавсия этилаётган талабгорларнинг объективкаларида эса ушбу тизим кадрлар бошқармаси бошлиғининг имзоси бўлиши лозим.</p>

3.	Талабгорнинг тўлдирилган сўровномаси ва таржимаи холи	<p>Сўровнома ва таржимаи ҳол аниқ ва чиройли ёзувда шахсан талабгор томонидан тўлдирилиши шарт.</p> <p>Сўровнома ва таржимаи ҳолидаги маълумотлар тўғри ва аниқ кўрсатилиши керак.</p>
4.	Тақдимнома (2 та)	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ёки Низом талабларига асосан тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идора раҳбарининг тақдимномаси;</p> <p>2. Худудлардан тавсия этилаётганлар учун тавсия этаётган туман (шаҳар) ҳокимининг тақдимномаси.</p> <p>Тақдимнома рангли бланкада, имзоланган, регистрация қилинган ҳамда талабгорнинг асосий эришган ютуқлари қайд этилган ҳолда бўлиши лозим.</p>
5.	Тавсиянома (2 та)	<p>1. Талабгор таълим олаётган ўқув муассасаси, фаолият юритаётган ташкилот, давлат идораси, хизмат қилаётган ҳарбий қисм ва бошқа тегишли идора раҳбарининг тавсияномаси;</p> <p>2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгаши раиси ёки вазирлик ва идораларнинг ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти раҳбарининг тавсияномаси.</p> <p>Тавсиянома рангли бланкада, имзоланган, регистрация қилинган ҳамда талабгорнинг асосий эришган ютуқлари қайд этилган ҳолда бўлиши керак.</p>
6.	Фикрномалар (4-5 та)	<p>Фикрномалар талабгорнинг йўналиши бўйича адиблар, шоирлар, журналистлар, маданият ходимлари, санъатшунослар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, олимлар, фан номзодлари, педагоглар, спорт мураббийлари каби соҳа мутахассисларидан, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун командирлар ва талабгорларнинг бевосита раҳбарларидан олинади.</p>
7.	Тақриз (1-2 та)	<p>Тақриз талабгорнинг йўналиши бўйича илмий ва бадий ижод намуналари ҳамда санъат асарларига соҳа мутахассислари томонидан ёзилган бўлиши керак.</p>
8.	Талабгорнинг эришган ютуқлари рўйхати	<p>Рўйхат сўнги 3 йил давомида (айрим ҳолларда 3 йилдан олдинги даврда ҳам аҳамиятли ютуққа эришган бўлса, уни ҳам ёритиш) эришилган ютуқлари, турли танловларда ғолибликни қўлга киритганлиги ёки тармоқ мукофотларига сазовор бўлганлигини тасдиқловчи диплом, сертификат, фахрий ёрлик ва шу каби ҳужжатлар йиллар кетма-кетлигида, аввал асосий йўналиши бўйича, сўнг қўшимча фаолиятидан эришган ютуқлари бўйича ёзилиши керак. Талабгорнинг ютуқлари камида вилоят даражасида бўлиши лозим.</p>
9.	Талабгорнинг эришган ютуқлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари	<p>Ҳужжатларнинг нусхалари рўйхат бўйича кетма-кетликда жойлаштирилган бўлиши шарт. Ҳужжатлар сифатли бўлиб, ундаги ёзув, муҳр, сана ва маълумотлар аниқ кўриниши лозим.</p> <p>Хорижий тилларда ёзилган ҳужжатларнинг таржимаси нотариал идора томонидан тасдиқланган ҳолда илова қилиниши керак.</p>
10.	Талабгорнинг ташаббускорлиги, тарғиботчилиги, фаоллиги бўйича ҳужжатлар	<p>Талабгор ўқув муассасаларида, маҳаллада ёки ҳарбий қисмларда тўғарак, спорт секцияси, касб-хунар ўқитиш марказларни ёки шу каби бошқа тўғаракларни ташкил этиб, ёшларни жалб этган бўлса, бу ҳақда алоҳида маълумот мутасадди раҳбарининг имзоси билан тақдим этилиши керак.</p>

11.	Талабгорнинг ОАВларда эълон қилинган ижодий, илмий ишлари ёки бошқа эътирофли ютуқлари	Талабгорнинг ижодий, илмий ишлари ёки бошқа эътирофли ютуқлари газета, журнал ёки нашриётларда чоп этилган бўлса, уларнинг мақолалари ёритилган газета ва журналлар ёки бошқа босма нашрларнинг нусхалари тақдим этилиши керак.
12.	Талабгорнинг ижодий ёки илмий ишларидан намуналар	Талабгорнинг йўналишига оид ижодий ёки илмий ишларини чоп этилган газета ва журналлар нусхалари, бадний-илмий китоблари, қўлланмалари, кўшиқлари ва ижодий роллари, видео ва аудио кўчирилган дисклари ва бошқа шу каби аҳамиятли ишларидан намуналар илова қилиниши лозим (Китоблари нашриётда чоп этилган бўлиши, компьютердан чиқарилган ва брошюралар тарзида бўлмаслиги лозим. Талабгорнинг кичик шеърлари ёки аҳамиятсиз маълумотлари чоп этилган газета ва журналлар тақдим этилмаслиги керак).
13.	Талабгорнинг фуқаролик паспорти ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидан нусха	Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини сифатли даражада, ундаги ёзув ва муҳрлар аниқ кўриниши керак.
14.	Талабгорнинг ота-онасининг фуқаролик паспортидан нусха	Паспорт нусхасини сифатли даражада, ундаги ёзув ва муҳрлар аниқ кўриниши керак.
15.	Талабгорнинг ота-онасининг иш жойидан маълумотнома	Маълумотномада ота-онасининг иш жойи ва лавозими тўлиқ кўрсатилган ҳолда кадрлар бўлими бошлиғи томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.
16.	Талабгорнинг яшаш жойидан маълумотнома ва маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тавсифномаси	Маълумотномада талабгорнинг ўзи ва ота-онасининг яшаш манзили кўрсатилган бўлиши, тавсифномада жамоат ишларидаги фаоллиги ёртилиши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланиши лозим.
17.	Талабгорнинг фотосурати	Талабгорнинг 9x12 см. ҳажмдаги юқори сифатли 2 дона фотосурати тақдим этилади. Фотосуратда: - талабгорнинг расмий кийимда, оқ рангда кўйлак ва қора рангли классик шаклдаги костюмда, ҳарбий хизматчилар ва ходимлар хизмат формасида бўлиши лозим; - фотосуратнинг орқа фони оқ рангда бўлиши керак.
18.	Талабгорнинг фаолияти акс эттирилган фотолавлар (5-6 та)	Фотолар ҳужжатларга қўшимча равишда тақдим этилиши мумкин. Фотоларда талабгорнинг фаолияти юзасидан эришган ютуқлари акс этган бўлиши лозим.

Эслатма: Талабгорларнинг ҳужжатлари бир хил ранг ва ҳажмдаги файл папкаларга жойлаштирилиши лозим. Папкаларнинг устки қисмида ҳудуд ёки идора номи, талабгорнинг Ф.И.Ш. ва йўналиши бир хил шаклда ёзилган бўлиши керак.

КЎРСАТКИЧ

№	Кимга юборилган	Нусхалар сони
1.	Мудофаа вазирлиги	1 нусха
2.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	1 нусха
3.	Ички ишлар вазирлиги	1 нусха
4.	Адлия вазирлиги	1 нусха
5.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги <i>(олий таълим бўйича)</i>	1 нусха
6.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги <i>(ўрта-махсус таълим бўйича)</i>	1 нусха
7.	Халқ таълими вазирлиги	1 нусха
8.	Маданият вазирлиги	1 нусха
9.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1 нусха
10.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	1 нусха
11.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1 нусха
12.	Инновацион ривожланиш вазирлиги	1 нусха
13.	Иқтисодиёт вазирлиги	1 нусха
14.	Молия вазирлиги	1 нусха
15.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	1 нусха
16.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	1 нусха
17.	Ташқи савдо вазирлиги	1 нусха
18.	Ташқи ишлар вазирлиги	1 нусха
19.	Миллий хавфсизлик хизмати	1 нусха
20.	Миллий гвардия	1 нусха
21.	Бош прокуратура	1 нусха
22.	Давлат божхона қўмитаси	1 нусха
23.	Давлат солиқ қўмитаси	1 нусха
24.	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси	1 нусха
25.	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	1 нусха
26.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	1 нусха
27.	Давлат статистика қўмитаси	1 нусха
28.	Давлат ветеринария қўмитаси	1 нусха
29.	Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	1 нусха
30.	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	1 нусха
31.	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	1 нусха
32.	Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	1 нусха
33.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	1 нусха

70.	«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси	1 нусха
71.	«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси	1 нусха
72.	«Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси	1 нусха
73.	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	1 нусха
74.	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси	1 нусха
75.	«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти	1 нусха
76.	«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти	1 нусха
77.	«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти	1 нусха
78.	«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти	1 нусха
79.	«Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти	1 нусха
80.	«Ўзагротехсаноатҳолдинг» акциядорлик жамияти	1 нусха
81.	«Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти	1 нусха
82.	«Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамияти	1 нусха
83.	«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти	1 нусха
84.	«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти	1 нусха
85.	«Навий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси	1 нусха
86.	«Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти	1 нусха
87.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига	14 нусха
88.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари	7 нусха
89.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши	1 нусха
90.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Давлат мукофотлари ва геральдика шўъбаси	1 нусха
91.	Бош вазир ўринбосарлари	8 нусха
92.	ВМ аппарати кадрлар бўлими	1 нусха
93.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	1 нусха
94.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	1 нусха
95.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	1 нусха
96.	“Нуроний” жамғармаси	1 нусха
97.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси	1 нусха
98.	“Фонон” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси	1 нусха

Жами: 124 нусха